



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 185 (13.782)

Баҳоси эркин нарҳда

МДҲНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 28 сентябрь кунини бўлиб.

Душанбедаги "Кўхи Сомон" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган йил Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигида мутлақо янги босқич бўлганини таъкидлаш лозим. Бу мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз дунё миқёсида жадал ўзгаришлар рўй бераётган, глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кооперацияни янада кенгайтириш тарафдори.

Савдо-сотиқ МДҲ давлатлари ҳамкорлигида муҳим ўрин эгаллайди. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил 3 ноябрь кунини Тошкентда илк бор ўтказилган МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳам аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Мажлисида аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга доир 20 га яқин масала кўриб чиқилди.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз билан МДҲ

давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттақил ўсмоқда.

Шавкат Мирзиёев бу ҳақда сўз юритар экан, божхона тартиб-таомилларини имкон қадар соддалаштириш, савдода мавжуд барча чекловларни, жумладан, техник тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини, МДҲ эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритиши ва ўзаро бозорларни шакллантириш, шунингдек, қисқа фурсатда Ҳамдўстлик маконида хизматлар сотиш бўйича эркин зонани яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Халқаро ва минтақавий йўлақлардан самарали фойдаланишга қаратилган савий-ҳаракатларимизни давом эттириш, бунда ўзаро тариф преференциялари беришини ягона механизмни жорий этиш, барча турдаги транспортларда юк ташишда талабларни бирхиллаштириш ва турли тўсиқларни бартараф этиш, логистика марказларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, — деди давлатимиз раҳбари.

Машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва қишлоқ хўжалигида ҳамкорликни, жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб беришда "яшил йўлақлар"дан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Худудлараро ва чегараолди ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу МДҲ давлатлари ва халқлари ўртасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Томонлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, МДҲ маконида хавфсизликка таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида самарали ҳамкорликни таъминлаш масалаларини муҳофаза қилди.

Президентимиз ёшлар ўртасида радикаллашув муаммосига тўхталиб, таълим, маърифат, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Эмомали Шарипович!
Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини самимий қутлаш ва Тожикистон Республикаси Президенти, мухтарам Эмомали Шарипович Раҳмонга аънанавий самимий меҳмондўстлик ва ушбу мажлисни юксак даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раислиги қилиш даврида тожик биродарларимиз тузилмаимиз доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида самарали ишларни амалга оширганлини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Дунёда рўй бераётган жадал ўзгаришлар, тобора авж олиб бораётган глобал таҳдид ва хатарлар шароитида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда ва ўзининг зарур тузилма эканини тасдиқламоқда.

Ўтган йил мамлакатимизнинг МДҲ доирасидаги фаолиятида мутлақо янги босқични бошлаб берганини алоҳида қайд этишни муҳим деб биламан.

Ўзбекистон иқтисодиёт, энергетика, илм-фан ва инновация, жиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларни қамраб олган ўндан зиёд тармоқ бўйича ҳамкорликка қўшилди.

Ташкилотимизнинг 2020 йилда бўладиган навбатдаги Саммитини Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни тасдиқлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг энг долзарб ва истиқболли йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб жараёнлар, "савдо урушлари" кескинлашиб, протекционизм кучайиб бораётган бугунги шароитда МДҲ эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритиши ва ўзаро бозорларни шакллантириш хал қилувчи масалаларга айланиши лозим.

Фақат йилнинг бошидан буён Ўзбекистон ва Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳамжи сезиларли даражада ўсди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг юқори даражадаги ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида божхона тартиб-таомилларини имкон қадар соддалаштириш, савдо соҳасидаги мавжуд барча тўсиқ ва чекловлар, жумладан, техник говларга барҳам бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдўстлик маконида хизматлар бўйича эркин савдо зонасини тезроқ яратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи. Ўзбекистон машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни янада кучайтириш тарафдоридир.

Биз бундай ҳамкорликни Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари билан фаол ривожлантиришмоқдамиз.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини шакллантиришга мақсадимиз Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари иштирокида Молия-банк форумини ўтказишга тайёримиз.

Учинчи. Тариқлар бўйича ўзаро имтиёзлар беришга доир ягона механизмни жорий этган ҳолда, халқаро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш, барча турдаги транспортлар билан юк ташишга оид талабларни бирхиллаштириш ва турли тўсиқларни бартараф этиш, логистика марказларини ривожлантиришга қаратилган ишларни давом эттириш муҳимдир.

Тўртинчи. Бизнинг фикримизча, ўзаро маҳсулот етказиб беришда "яшил йўлақлар"ни кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги самарали ҳамкорликка хизмат қилади.

МДҲнинг Агроекономика комплекс масалалари бўйича кенгаши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа тузилмалари фаолиятини фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчи. Ҳамдўстлик мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда,

МДҲ доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни маъқуллаймиз.

Шу тариқа саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари, молия секторидида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида илгор рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, аҳоли ва бизнес субъектларининг қулай электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширган бўлар эдик.

Олтинчи. Худудлараро ва чегара-ларга яқин минтақалар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 2020 йилда МДҲ минтақалари форумини ўтказишни тақлиф этамиз.

Еттинчи. Фашизм устидан қозонилган умумий Ҳалабамизнинг 75 йиллигини кенг нишонлаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказишга устувор эътибор қаратамиз.

Бу масала 2020 йилда Ўзбекистоннинг МДҲга раислиги концепциясида алоҳида акс эттирилди.

Саккизинчи. Хавфсизликни таъминлаш, юзага келаётган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш мамлакатларимиз барқарор тараққиётининг хал қилувчи шартидир.

Афғонистонда хануз давом этаётган қуролини можаро Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг аксарияти учун умумий таҳдид бўлиб қолмоқда.

МДҲ Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан тезроқ ҳал этишга қаратилган халқаро савий-ҳаракатларда муҳим роль ўйнашга қодир.

Халқаро терроризм хавфининг тобора ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги террорчилик тузилмалари катта молиявий ресурсларга, энг янги ахборот ва техника воситаларига эга, юқори даражада ҳаракатчан ва тезкордир.

Ҳозирги пайтда уларнинг Яқин Шарқдан Афғонистонга, МДҲ чегаралари яқинига қўчиб ўтиш тенденцияси кучаймоқда.

Мамлакатларимизни бирлаштириб турувчи муҳим куч бўлган маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Тор доирадаги учрашувда 2019 йилда МДҲга раислиги ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорга кўра, келгуси йилда Ҳамдўстликка раислиги Туркменистонга ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташкилотга ҳамраис этиб белгиланди.

Давлат раҳбарлари музокара-ларни кенгайтириш таркибда давом эттирилди.

Унда турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларига доир кенг қўламли масалалар муҳофаза қилинди.

Коинотни тадқиқ этиш ва тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида МДҲ конвенцияси ҳамда 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ҳалабамизнинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси маъқулланди.

МДҲга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжа-хон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 2019-2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги бит-ти ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Шунинг-дек, 2021 йилни МДҲда архитектура ва шаҳарсоз-лик йили деб эълон қилиш ҳақида қарор қилинди. Жами 16 ҳужжат имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи якун-ланди. Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода кузатиб қўйди.

Алоудин ҒАФҒОРОВ,
ЎЗД махсус мухбири
Тошкент – Душанбе – Тошкент.

Мамлакатларимиз терроризм хавфи-ни ўз вақтида ва самарали қайтариш учун ўзаро келишилган, аввало, олдин-дан зарба беришга қаратилган хара-катларга тайёр туриши лозим.

МДҲ маконида юзага келаётган хавфсизликка қарши таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш учун таҳлилий ва тезкор ахборот билан мунтазам ал-машининг амалдаги механизмлари доирасида самарали ҳамкорликни таъ-минлашга ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизмат-лар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ёшлар ўртасида радикаллашув му-аммоси эътиборимиз марказида бўлиб қолиши лозим. Шу муносабат билан таълим-тарбия, илм-маърифат, ёш ав-лодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатлар-нинг Ёшлар масалалари кенгаши фа-олиятига қўшилмоқда ва унинг фао-лиятида фаол иштирок этишни ўз ол-дига мақсад қилиб қўйган.

Тўққизинчи. Маданий-гуманитар алоқалар ва маънавий қадриятлар Ҳамдўстлик мамлакатларини ҳам-маша бирлаштириб келаётган кучдир.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар йили мамлакатларимизда навбати билан ту-ризм ярмаркалари ва МДҲ мадания-ти кунларини, Ҳамдўстлигининг ижод-кор ёшлари ўртасида мунтазам учра-шувларни, уларнинг ҳар бирини му-айян мавзуга бағишлаган ҳолда та-шқиқ этишни, шунингдек, МДҲ Давлат-лари маданий мероси Виртуал музей-ини яратишни тақлиф этамиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари! Сўзимнинг якунида туркменистонлик дўстларимизни Ҳамдўстликка раисли-ни қабул қилгани билан табриклаш ва уларга катта муваффақиятлар тилаш-га ижозат бергайсиз.

Мухтарам Эмомали Шарипович Ра-ҳмонга самимий қабул ва саммит юксак тараққиётда янги уфқлар очиб бе-ради, деб ўйлайман.

Фармонда, жумладан, халқ таълими муассасаларини бош-қариш тизимини такомиллаш-тириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкам-лаш, нодавлат умумтаълим мас-канлари тармогини янада ри-вожлантириш, "Замонавий мак-таб" давлат дастурини тайёр-лаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби ма-салалар аниқ белгилаб қўйил-ганидан сизлар албатта хабар-дорсиз.

2018 йил 29 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устозлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шарафли ишга бағишлаган барча юрт-дошларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан самимий муборакбод этаман.

Буюк маърифатпарвар бобо-миз Абдулла Авлонийнинг:

"Инсон тафаккурининг қув-вати ва кенглиги аввало му-аллим тарбиясига боғлиқ" деган сўзлари сизларнинг ма-шаққатли, айна вақтда олижа-ноб фаолиятингизга берилган юксак баҳодир, десак, ўйлай-манки, адашмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўзимиз-даги жамияти яхши фазилат-лар, ҳаётда эришаётган барча ютуқларимиз учун сиз, азиз-лардан умрбод қарздормиз.

Ушбу қутлуғ айёмда сизлар-нинг шаънингизга энг гўзал сўзлар, эзгу тилақларимизни изхор этар эканмиз, барчамиз-нинг камол топишимиз, жам-иятда муносиб ўрин эгаллаши-мизда бор билим ва тажриба-сини, қалб ҳароратини бахш этиб келаётган меҳридарё ус-тозларимизга чин оирадан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масаладир.

Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, охи-ри вақтда мамлакатимизда таъ-лим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга қўтаришга хиз-мат қиладиган бир неча муҳим қарорлар ҳақида алоҳида тўх-талишни ўринли, деб биламан.

Аввало, 2017 йил 30 сентябр-да қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ юртимизда биринчи марта Мактабгача таъ-лим вазирлиги ташкил этилди.

Шу асосда ўтган қисқа даврда ушбу тизим тубдан янгича не-гизда ташкил этилгани, 980 дан ортиқ боғча қурилиб, ишга таштирилган, бу масканларда таълим-тарбия ишлари мазмун ва сифат жиҳатидан энг илгор усул ва воситалар ёрдамида олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир муҳим ҳужжат – 2018 йил 14 августда қабул қилинган Президент қарорига биноан бошлангич ва юқори синф ўқитувчиларининг маош-лари тенглаштирилди, янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлиқ иш ҳақи миқдори 54 фо-лизга, олий тоифали педагог-ларники эса 64 фоизга етиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, педагог хо-димларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт восита-лари билан таъминлаш мақса-дида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кре-дитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида шу йил 5 сентябрда қабул қилинган **"Халқ таълими-ни бошқариш тизимини та-комиллаштириш бўйича қўш-ма чора-тадбирлар тўғриси-да"**ги Президент фармони соҳа тараққиётда янги уфқлар очиб бе-ради, деб ўйлайман.

Фармонда, жумладан, халқ таълими муассасаларини бош-қариш тизимини такомиллаш-тириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкам-лаш, нодавлат умумтаълим мас-канлари тармогини янада ри-вожлантириш, "Замонавий мак-таб" давлат дастурини тайёр-лаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби ма-салалар аниқ белгилаб қўйил-ганидан сизлар албатта хабар-дорсиз.

Таъкидлаш жоизки, мамла-катимизда олий таълим тизи-мини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юртилари билан бирга чет элдаги нуфузли уни-верситетларнинг филиаллари очилмоқда, олий таълим муас-сасаларига қабул квоталари оширилмоқда, кўпгина йўна-лишлар бўйича сиртқи бўлим-лар фаолият кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнларининг сифа-ти ва даражасини замон та-лаблари асосида тубдан яхши-лаш, заҳматқаш устозларимиз, мазкур соҳада фаолият кўрса-таётган барча фидойи инсон-лар учун муносиб меҳнат ша-роитлари яратиш, уларнинг кадр-қимматини юксалтириш-га қаратилгани билан аниқса аҳамиятлидир.

Юртимизда жорий йил Ин-вестиция дастури доирасида 356 та таълим муассасасида 684 миллиард 700 миллион сўмлик, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича эса 371 та умумтаълим мактабида 424 миллиард сўм-дан зиёд қурилиш-реконструк-ция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил август ойига қадар давлат бюджетидан 12 триллион 366 миллиард сўм ёки яқин хара-жатларнинг 26 фоиздан зиёди айнан таълим-тарбия соҳа-сига йўналтирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тизим-даги ишловларимизнинг қўла-ми ва миқёси янада яққол аён бўлади.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шун-дай улкан ишларнинг амалий таъсири ва натижадорлигини таъминлашда ўқитувчи ва му-раббийларнинг ўрни ва роли беқисс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умумбашарий қад-риятлар руҳида, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хори-жий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга са-доқатли инсонлар этиб воғда етказишда аввало сизларга та-янаимиз.

Айниқса, бутун дунёда му-раққаб ва таҳликали вазият ҳужм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаёт-ган хавф-хатарларнинг олдини олиш, ҳаюллатга қарши маъри-фат билан курашишда сизлар-нинг ибратли фаолиятингиз улкан аҳамиятга эга.

Шу борадаги ўта масъулият-ли вазифалар сизлардан ўз ус-тинингизда тинимсиз ишлаш, фарзандларининг янгича та-факкур, юксак инсоний тўғул-лар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўзлуксиз ривож-лантириш боришини талаб эт-моқда.

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фар-зандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол ин-сонлар этиб тарбиялаш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, ҳурматли Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу вазифаларни албатта шараф билан адо этасиз.

Бу йўлда сизларни доимо қўллаб-қувватлаш, барча зарур шароитларни яратиш бериш учун давлатимиз ва жамияти-миз ўзининг бор куч ва имко-ниятларини бундан буён ҳам аямайди.

Азиз ва мухтарам устозлар!

Барчангизни бугунги умум-халқ байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонла-рингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, меҳ-рибон устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кенг қўллади ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг самараси, юртимизнинг тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожига билан узвий боғлиқдир.

Бугун замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаёtgа кадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимизнинг муносиб камол топишида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг ҳиссаси беқиёс эканини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимини давр талаблари асосида такомиллаштириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиклол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга faxрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

Аннакулова Назокат Ўшалиевна – Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мамадалиев Аббос Мамасолиевич – Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

Кареева Хабиба Бекитовна – Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ходжаева Махтума Зиятовна – Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Раджабов Бахтиёр Шарипович – Чирчиқ давлат педагогика институтининг аниқ фанлар кафедраси профессори, Тошкент вилояти

Сейдаметова Тамара Султамуратовна – Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашева Гулчехрахон – Андижон туманидаги “Гум-баз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Аҳмежанов Алим Ачиллович – Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, чўқур билим ва замонавий касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, мустақил фикрлайдиган, иктидорли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Алеуов Усербай – Нукус давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

Курамбаева Марям – Хонқа туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби директори, Хоразм вилояти

Муталова Гулчехра Хамидовна – Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Урмонов Жалолиддин Рустамович – Данғара туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуазизова Зулфия Хайруллаевна – Янгибод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ашуров Немат Абдулжаббарович – Пайарик туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Генжебаева Гулпаршин Шаудирбаевна – Кегейли туманидаги 14-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жумаева Гулнора Бобоқуллова – Бухоро давлат университети қошидаги Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Исмаилов Тулайов Дустович – Олмазор туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қадирова Равшаной Исмаилжановна – Андижон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қодиров Дўстқобил Тўрабаевич – Меҳнат faxрийси, Сурхондарё вилояти

Мадарова Светлана Аминовна – Тошкент давлат педагогика университетининг умумий педагогика кафедраси доценти, Тошкент шаҳри

Мунимова Махматхон Турсуновна – Уйчи туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рўзметов Қадамбой Оллаберганович – Қўқўшпир туманидаги 10-болалар мусика ва санъат мактабининг афғон рубоби синфи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сандуллаева Нигора Хайриевна – Нурота туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тургунова Хамидохон Позиловна – Фарғона туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Турсунова Қосима Махкамовна – Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент вилояти

Улжабаев Умурақ – Гулистон давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

Хамдамов Уткир Мирзокаримович – Ширин энергетика ва миний хизмат касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Эргашева Айкумуш Хушвақтовна – Қарши шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Бердиева Нигара Курбановна – Жомбой туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Гаспарян Светлана Суреновна – Юнусобод туманидаги 246-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Мелиев Хамидилла Абдуллаевич – Жиззах давлат педагогика институтининг мактабгача ва бошланғич таълим методика кафедраси профессори, Жиззах вилояти

Рахимкулова Мукаддас Хакимовна – Қарши шаҳридаги 46-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Сон Светлана Михайловна – Қорақалпоғистон Республикаси 1-Меҳрибонлик уйи директори

Шаипов Рафиф Мирхайдарович – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг спорт акробатикаси бўйича катта мураббийи

“Дўстлик” ордени билан

Бутаев Исмаил Азимович – Деҳқонobod туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жуманиязов Атабай – Урганч давлат университетининг немис ва француз тиллари кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Кунаров Шарафидин Турапович – Денов туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Кункарова Замира Акрамалиевна – Гулистон туманидаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Люкшина Алевтина Николаевна – Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мадреймова Улпаш Каринсауовна – Томди туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Мухитдинова Саннатхон Кахаровна – Меҳнат faxрийси, Наманган вилояти

Отмуратов Шавкат Каримович – Богот туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Рафиева Олима Абдурауфова – Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси мудири, Бухоро вилояти

Рўзиева Ирода Зубайдуллаевна – Каттакўрғон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Тен Светлана Константиновна – Юкори Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тўйчиева Холлидагон Рўзиевна – Кўргонтепа туманидаги “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич – Андижон давлат университетининг немис тили ва адабиёти кафедраси мудири, Андижон вилояти

Ходжапесова Гулистон Холдасовна – Қорақалпоғистон Республикаси Ибрайим Юсулов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Хошимова Мамлакат Мўйдиновна – Кўкон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Фарғона вилояти

Шарипова Рабия Хизриевна – Фаллоорол туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Якубова Одинахон Анаваровна – Марғилон педагогика коллежининг педагогика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

“Шухрат” медали билан

Абдулжаббурова Мукаддас Юлдошевна – Қашқадарё вилояти Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Абдуллаева Людмила Хадиевна – Самарқанд давлат чет тиллар институтининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти, Самарқанд вилояти

Абдурахимов Дилором Олимжановна – Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи директори, Наманган вилояти

Абдурахимовна Махмудхон Орифова – Ўзбекистон туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

Амонова Хуршида Абдуқодировна – Оҳангарон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Асанова Гулсара Сағиндиновна – Чимбой туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ахмедов Бахадир Усманович – Сирдарё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ашуров Бахром Абдумавлонович – Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Бабажанова Дилбар Шамирзаевна – Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Байрамтаганова Гулайим Сапарбаевна – Тўрткўл туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг биология ва кимё фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бариева Мукаддас Исмаиловна – Бухоро шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бердиева Ирода Шодиновна – Шофиркон туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бобоқуллова Гулнора Тўраевна – Шеробод туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бозорова Гулбахор Райимовна – Каттакўрғон педагогика коллежининг педагогика ва психология фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Вискунова Ольга Александровна – Шўрчи туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Давлетмуратова Клара Курбанбаевна – Кўнжирот санат касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Дўстова Ойражаб Суноновна – Қўшрабод туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жалилова Барнохон Рахматовна – Бобўут туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ибрагимовна Мўтабар Фахриевна – Тайлоқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Исроилова Нилофар Жалаловна – Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусика ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

Қадирова Дилбар Нормуниновна – Термиз давлат университетининг биология кафедраси доценти, Сурхондарё вилояти

Кувватова Мухайё Тулкиновна – Жиззах вилояти Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Култаева Малика Нуралиевна – Жаркўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Курбанова Зарифа Бокижановна – Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мадаминов Маъмиржон Абдуманнабджонович – Хўжабод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Маликова Саодат Талиповна – Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Махмудова Гулбахор Маруфовна – Чўст туманидаги “Wonderkids school” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Наманган вилояти

Мирдадаева Нургиза Мирсидиковна – Шайхонтоҳур туманидаги 157-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мирзаджанов Фарход Мирхамитович – Спорт якка курашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи

Морозова Владислава Анаваровна – Қувасой шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Муллаева Зийёда Махмудовна – Хатирчи туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Мухамедова Дилфуза Батировна – Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Носиров Исроил Махмудович – Паркент туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Пец Алёна Юрьевна – Ғузор туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Полванова Мунаввархон Акрамовна – Риштон туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Пулатова Зийда Турсуновна – Андижон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Равшанова Дилфуза Райемкуловна – Самарқанд шаҳридаги “Тимур-Файз” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Самарқанд вилояти

Разикова Хосият Кахрамновна – Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Расулова Нурия Халимовна – Қосон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Расулова Сайёра Холбековна – Арнасой туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Рахимов Абдушом Абдукаримович – Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Рахматуллаева Моҳира Турдалиевна – Окқўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Розимов Гулмуҳаммад Хаджиевна – Беруний туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Саманова Раъно Даниёровна – Янгиқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Саттарова Адинахон Мамадалиевна – Бўз туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Сиддикова Саодат Гаффаровна – Бухоро нефть ва газ санати касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Талипова Фарида Тишабаевна – Тошкент шаҳридаги “Мурувват” ногирон болалар учун 2-интернат уйи энагаси

Турдибекова Замира Хаметовна – Бекобод шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси мудири, Тошкент вилояти

Уринова Роба Солихановна – Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Усмонов Шухрат Зийдиллаевич – Навбахор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хайитов Зафар Узакovich – Навоий давлат педагогика институтининг миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, Навоий вилояти

Хамрақуллов Рустам Шамшиевич – Чилонзор туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарак раҳбари, Тошкент шаҳри

Ходжаева Дилфўз Изатиллоевна – Бухоро давлат университетининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хазраткулова Муборак Ражабовна – Қасби туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шадиёв Ризамат Давранович – Қарши давлат университетининг мактабгача ва бошланғич таълим методика кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

Шеров Абдуразақ Абдуфатович – Сўх туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шодиева Дилфуза Ибрагимовна – Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Эгамбердиев Атабек Рўзиевич – Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Эргашева Дилфуза Тожибеовна – Фарғона шаҳридаги “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи энагаси, Фарғона вилояти

Юлдашева Шоҳида Бахтировна – Тошкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Юсулов Абдумуталиб – Андижон қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махс

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЎҚИТУВЧИ – ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Бизга илм ўргатган устозларимиз, бошимизни силаган ўқитувчиларимиз, ҳаётимиз бошланишида тўғри йўл кўрсатган мураббийларимиз ҳақида мақолалар ёзар эканмиз, доноларимизнинг “Ўқитувчи – қалб меъмори” деган сўзининг маъносини янада теранроқ англай бошлаймиз.

Хар бир инсоннинг кўлига илк бор қалам тутқазган, илк бор сабоқ ўргатган, ҳарф танитган, Ватан, она каби муқаддас сўзлар маъносини оддийгина тилда онгу тафаккуримизга сингдирган устозларимизга ҳар қандай сўз ва ҳар қанча таъриф камлик қилади.

Ана шундай устоз ўқитувчилардан бири шахримиздаги 178-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларга бошланғич синф ҳамда инглиз тилидан сабоқ бериб келаётган Вера Яршвадир. Вера Александровна мазкур мактабни 1988 йилда аъло баҳолаб ботириб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқишга

қабул қилинади. 1993 йилда олий ўқув муассасасини битириб ўзи ўқиган жонажон мактабига инглиз тили бўйича сабоқ бериш учун ишга киради. Бугунги кунда у нафақат мактаб ўқувчиларининг, балки ўқув маскани педагог ходимларининг ҳам ҳурматида сазовор бўлган ўқитувчи ҳисобланади.

– Аслида Веранинг онаси Светлана Петровна ҳам узоқ йиллар мактабимизда бошланғич синфдан ўқувчиларга дарс бериб келган, – дейди 178-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг директори Нигора Юнусмухамедова биз билан суҳбатда. – Вера билан бир қатор-

да самарали меҳнат қилиб келаётган Наталья Ким, Валентина Раствортева, Нодира Мусаева, Татьяна Мельникова, Дилфуза Турдиева каби ўқитувчиларимиз ҳам ўз касбидан ҳурмат топган педагоглар ҳисобланади. Устоз, биргина сўз замирида улкан маъно мужассам, мен раҳбар сифатида мактабимиз жамоасининг барча фидойи ўқитувчилари билан фахрланаман ва уларни ушбу муборак сана билан чин дилдан кутлайман.

1963 йилда ташкил топган ўқув масканида бугунги кунда 3047 нафар ўқувчилар таълим-тарбия олмақда. Мактабнинг, фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, спорт йўналишлари ва ўқитувчиларнинг турли фанлар доирасида совринли ўринларни эгаллаганига учун Чилонзор туманида биринчи, шаҳарда еттинчи ўринда туришининг ўзи ҳам ўқув даргоҳининг юқори нуфуздан далолат беради.

Вера Яршва сингари ўқитувчиларимиз мисолида эса халқ маънавияти ва маърифати йўлида шараф билан хизмат қилиб келаётган, кўплаб шогирдлар тайёрлаётган жонқуяр педагогларни кўрамиз.

Гулнигор САТТОРОВА

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР

1997 йилдан буён 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида анъанавий равишда кенг нишонланиб келинмоқда. Педагоглар ёшларни замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир билимли, изланувчан инсонлар этиб тарбиялаш ва жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда жонқуяр педагоглар, ғамхўр мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Айни кунларда шахримизнинг барча масканларида байрам муносабати билан тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Тошкент фармацевтика институтининг таълим томонидан ўтказилган тадбир, “Байрамнинг муборак бўлсин, азиз устозлар!” деб номланади.

Карнай-сурнай наволари остида бошланган байрам тадбирида институт ректори Иброҳим Алимжонов Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол, юксак маънавиятли, тегна ва муқтадир таълимчиларни авлоднинг камолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтиш баробарида, олий таълим муассасасининг барча устоз-ўқитувчиларини, педагог ходимларини самимий табриклади.

Кечада янграган дилрабо куй ва кўшиқлар, дилбар рақслар касб байрамини нишонлаётган барча ўқитувчиларга бирдай манзур бўлди.

– Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук, билимли кадрлар қилиб тарбиялаш, таълимга инновацион технологияларни жорий этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликни таъминлаш борасида самарали ишлар

олиб боришмоқда, – дейди Тошкент фармацевтика институтининг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Нигора Ашурова. – Айниқса, биз педагог кадрларнинг меҳнати юқори баҳоланмоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкасбларимни, устозларимизни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан табриклайман. Уларга узоқ умр, тани сихатлик тилаб қоламан.

Дарҳақиқат, таълим соҳасидаги устоз ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ёшларга таълим-тарбия бериш, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш, педагоглар хизматини янги босқичга кўтариш, малакасини ошириш, тажрибаларини оммалаштириш йўлида олиб борилаётган ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнлар педагогларни жуда ҳам руҳлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик уларнинг қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Биз ҳам устоз-ўқитувчиларимизни касб байрами билан самимий кутлаб қоламиз.

Тадбирда профессор-ўқитувчиларга, педагог ходимларга ва фахрий устозларга институт раҳбарияти томонидан ташаккурнома ва совғалар тақдим этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



ҲАМИША ХАЛҚ АРДОҒИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан “Устозлар, сизга таъзим” мавзусида байрам тадбири ташкил этилди.

Унда О'zLiDeP сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари, умумтаълим мактаби, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирни О'zLiDeP сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хайтов килириш сўзи билан очиб, ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари ҳақида гапириб, юртимизда устозларга кўрсатилаётган эътиборга алоҳида тўхталиб ўтди.

– Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим тизимини тубдан ислох этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров. – Бу жараёнда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар қўлами ва мазмун-моҳияти навқирон авлодига воғна етказишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, замонавий андозлар асосида кўплаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, “Баркамол авлод” бо-

лалар марказлари, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди. Бу ўзгариш ва янгиланишлар мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида таълим тизимига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол исботидир.

Бугунги кунда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофавий таълим асосида ривожланмоқда. Шу боис аввало ўқитувчини илгор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор-устоз даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги ўқувчи янги фикр, янги маълумот, янги услуб керак.

Тадбирда сўз олган азиз устоз ва мураббийлар давлатимиз томонидан уларга берилаётган имтиёзлар, яратилаётган шароитларга муносиб жавоб қайтаришлари, Ватанга садоқатли, билимли ёшларни тарбиялаб воғна етказишларини айтиб ўтишди.

Тадбир якунида партия томонидан бир гуруҳ фахрий профессор-ўқитувчилар, устозларга эсдалик совғалари топширилиб, байрам концерти намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

биёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви раҳбари лавозимида фаолият олиб борган. Опа нафақат архив соҳасининг юксалишида ҳиссасини қўшганлар қаторига киради, балки институт илмий-тадқиқот ишларида ҳам қатнашган. Ўша йиллари Тошкент Тиббиёт институтини билан ҳамкорликда “Дерматология ва венерология илмий асослари” номи илмий ишлари чоп этилган. Уларнинг архивда сақланаётган шахсий фонди ҳужжатларини кўздан кечирар эканмиз, 20 тадан ортқ илмий мақолалари, 40 тадан ортқ радио ва телекўрсатувлар, 30 тадан ортқ маърузалари ва илмий-амалий конференцияларда қатнашганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлди. 1972 йилда Халқаро архивчилар конгрессида ҳам иштирок этган.

Раъно опа узоқ йиллар илмий-амалий, ташкилий ва самарали меҳнатлари учун “Архив иши аълочили” соҳиббаси ва бир қанча фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

1998 йилда Раъно Халилованинг 1963-1997 йиллар илмий-тадқиқот ишлари, амалий фаолиятлари ҳужжатлари ва фотолари 51 саклов бирлигидаги шахсий фонд ҳужжатларига қабул қилинган.

Мамлакатимизда устозлар доимо эъзозда, биз уларни қадрлаймиз ва улуғлаймиз. Уларга дилимиздаги, қалбимиздаги энг эзгу ниятларимизни, тилакларимизни бағишлаймиз. Зеро келажақ авлод улардан билим олади. Яқинлашиб келаётган устозлар куни билан барча устозларимизни, шулар қаторида устоз Раъно Халиловани ҳам муборакбод этамиз. Улардан янада улкан муваффақиятларга эришиб, қилган ишларининг ноёб нусхаларини бизнинг архив фондига, келажақ авлодларга қолдиришларини ният қилиб қоламиз.

Тўғрў МИҲИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий
ва тиббиёт ҳужжатлари
Марказий давлат архиви бўлим бошлиғи

МУАЛЛИМ – ОЛАМНИНГ ЁРУФ ЧИРОҒИ

Миллат юзи, Ватан истиқболи, бунёдкорлари сифатида ҳамиша эъзозда бўлган устозлар ҳақида сўз кетганда “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир” деган пурмаъно сўзларни ёдга оламиз. Устозларимиз ва мураббийларимиз инсон камолотининг энг олий намунасидир.

Инсоният борки қайси замон, қайси давр, қайси макон бўлмасин, қайси соҳа, қайси касб, қайси ҳунар эгаллашдан қатъий назар ҳар бирининг устозу муаллимлари таълим-тарбияси билан ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб камол топади. Ҳаётда нафақат биринчи устоз, балки касб-ҳунар ўргатган устозларни ҳам доимо эъзозлаш ва ардоқлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳукумати-миз архив ишини янада ривожлантириш ва халқаро даражага кўтариш вазифасини илгари сурди. Ҳамма соҳалар каби архив соҳасида ҳам таълим бериб келаётган ва шу соҳа ходимларига устозлик қилаётган бир қанча тажрибали ходимларимиз талайгина. Бунга архив соҳасининг янада ривожланиши ва тараққиёти эти-шида ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви устозлари фикримизнинг яққол далилидир.

Инсоннинг бойлиги маърифатда ва унинг маънавия-тидадир. Дунёда яхши одамлар кўп, биз уларнинг яхшиликларини ширин сўзи, инсонларга қилган яхши-ликларидан биламиз. Сўзимиз исботи тариқасида ҳам оиласига, ҳам дўстларига, ҳам касбига садоқатли бўлган, ўз билими ва тажрибаларини шогирдларига ўргатиб келаётган устозлардан бири – тиббиёт фан-

лари доктори, архив иши аълочили Раъно Халилова-дир.

Бугунги кунда архивимизда 50 фондда 5 минг саклов бирлигида сақланаётган профессор рентгенолог, хизмат кўрсатган фан арбоби Жалол Масумов, профессор, ортопед-травматолог, хизмат кўрсатган фан арбоби Насриддин Шоматов, пахтачилик бўйича селе-кционер, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби Аҳмад Дадабоев, тери-таносил касалликлари профес-сори, хизмат кўрсатган фан арбоби Усмон Мирзахме-дов, Республикада хизмат кўрсатган ирригатор Ну-риддин Алиев, Ўзбекистон халқ архитектори Абдулла Бобохонов ва яна кўплаб тиббиётга, илм-фан ва тех-никага, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига катта ҳиссала-рини қўшган буюк фан арбоблари, олим ва профес-сорларнинг илмий ишлари, монографиялари, китоблари шахсий фонд ҳужжатларида сақланмоқда.

Раъно Халилова 1940 йилнинг 26 мартда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1960 йил Тошкент Тиббиёт институтини даволаш факультетида ўқишга қабул қилиниб, ўқув йиллари давомида илмий иш би-лан шуғулланган, илмий мақолалари доимий равиш-да журналларда чоп этилган.

Институтни тугатиб, 1966-1971 йиллар давомида Тошкент Тиббиёт институтини врач-терапевт бўлиб ишлаган. 1971-1997 йиллар Илмий-техникавий ва тиб-

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ ЎН
ОЛТИНЧИ ЯЛПИ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ

2018 йил 28 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджетни ҳаётга яратишда қўл кўриштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Давлат бюджетининг ҳа- ражатлар қисмига тегишли ўзгаришлар қиритиш тўғрисида Олий Мажлиси Сенати қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Бухоро вилоятининг Ёғдудон тумани ва На- воий вилоятининг Қонимех тумани чегараларини ўзгаришти- риш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур туманларнинг чегаралари бош- қарув тизимини такомиллаштириш зарурати туфайли ўзгари- римокда. Бу эса бошқарув тизимининг самарадорлигини оши- ришга кўмаклашади. Ҳужжатда Бухоро вилояти Ёғдудон ту- манининг 10651 гектар ери, шу жумладан, Зафаробод шаҳар- часининг 609,65 гектар ери Навоий вилоятининг Қонимех ту- мани таркибига ўтказилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар қишлоқ ҳўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда мазкур соҳадаги нор- асмий бандлик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республи- каси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоровга парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди- лар.

Сўров юбориш ташаббуси Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси томонидан илгари су- римди.

Таъкидланганидек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва- зирлиги ахборотига биноан 2018 йилнинг биринчи ярим йил- лигида 2 миллиондан ортқ киши фермер ҳўжалиқларида иш билан банд бўлган. Уларнинг 500 мингдан эъди расман ишга жойлаштирилган, қарийб 1,5 миллион киши эса норасмий банд бўлганлар. Сенаторлар парламент сўрови юбориш ташаббу- сини қўллаб-қувватладилар.

Олий Мажлиси Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги қарори билан тасдиқ- ланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳоли- сига иختисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг ижроси тўғри- сида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А.Абдулҳамидовнинг ахборотини аштитдилар.

Муҳокама чоғида “йўл ҳарита”сида назарда тутилган тад- бирларнинг бажарилмаганлиги сабаблари танқидий муҳокама этилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ушбу Дас- турни сўзсиз ижро этиш ҳамда бу йўналишда амалга ошири- лаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тавсия- лар билдирилди. Сенаторлар Сенат қарорини маъқуладилар.

Шунингдек, сенаторлар Бухоро вилояти хохимининг ҳудуд- ларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кен- гашилари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини аштитдилар.

Қайд этилганидек, 2018 йил февралда Ўзбекистон Респу- бликаси Президентининг Бухоро вилоятига таъшир чоида бел- гиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда вилоятни ижтимо- ий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли иш- лар амалга оширилмоқда. 2017 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмлари ўсиши 102 фоизга етди. 2017 йилда ва 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 1 триллион 66 миллиард 954 миллион сўмдан эъид инвестициялар ўзлашти- рилди, 2185 тадан эъид лойиҳа рўёбга чиқарилди, натижада 21854 та янги иш ўрни яратилди.

2017 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қарийб 3800 та ҳусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъекти таш- қил этилиб, уларнинг умумий сони 14700 тадан ошди. Тижо- рат банклари томонидан уларга 2 триллион 157 миллиард 400 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Бухоро вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўр- сатадиган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича вазириликлар ва идораларнинг ҳамда жойлардаги ижро ҳокимати органларининг ҳудудни ри- вожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўз вакола- тига қиридан бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўн олтинчи ялпи мажлис давомида жамият ҳаётининг бар- ча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва мамлака- тимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлигини ривожлан- тиришга хизмат қиладиган 21 та масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се- натининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Шу куннинг ўзида Сенатнинг Матбуот марказида мамлака- тимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн ол- тинчи ялпи мажлиси иш якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

400 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Бухоро вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўр- сатадиган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича вазириликлар ва идораларнинг ҳамда жойлардаги ижро ҳокимати органларининг ҳудудни ри- вожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўз вакола- тига қиридан бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўн олтинчи ялпи мажлис давомида жамият ҳаётининг бар- ча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва мамлака- тимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлигини ривожлан- тиришга хизмат қиладиган 21 та масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се- натининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Шу куннинг ўзида Сенатнинг Матбуот марказида мамлака- тимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн ол- тинчи ялпи мажлиси иш якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Ахборот хизмати
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг** “Хар бир оила – тадбиркор” дастурининг амалга оширилишини парламент назорати доирасида Хоразм вилояти мисолида ўрганиш бўйича йиғилиши ўтказилди.

● Бухорода Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган ҳудудлараро ўқув семинари бўлиб ўтди. Бухоро шахри, Қорақўл, Шофиркон туманларида ташкил этилган семинарларда ҳудудий давлат солиқ инспекциялари ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.

● Қарши шаҳрида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 72 оилага янги хонадонлар қалити топширилди. Тадбир доирасида 30 нафар ногиронлиги бор шахсга махсус аравачалар ҳам топширилди.

● Жиззах вилоятида ҳудудда саноатни ривожлантиришнинг муҳим омиллари, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг бажарилиши мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган анжуманда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Г.Маматқулов вилоятда саноатни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг “Хаябуса-2” зондидан учурилган икки мини-робот коинот тарихида биринчи марта астероид юзасига муваффақиятли қўнди ва ерга сураат ҳолида маълумотлар узата бошлади. Эслатиб ўтамиз, “Хаябуса-2” космик зонди Япония жанубида жойлашган Танэгасима космодромидан Н-2А ракета ташувчиси ёрдамида 2014 йилнинг 3 декабрида парвозини бошлаган. Зонд астероид атрофида бир ярим йил бўлади. Ўрганишнинг кейинги босқичида Рюгу тупроғидан намуналар олинади. Навбатдаги босқичда астероидни батафсил таҳлил қилиш учун яна бир тадқиқот аппарати у томон юборилади.

● Сайёрамизнинг энг катта муаммоларидан бири – океан ифлосланишига қарши курашиш мақсадида янги ускуна – коллектор синови бошланди. “Sky News”, “Clean Up” (елим чиқиндилардан тозаловчи ускуна) лойиҳаси голландиялик 24 ёшли ихтирочи томонидан яратилган. Қурилма сув сатҳида сунъий қирғоқ тарзида ҳаракатланиб, уни елим чиқиндилардан тозалайди. Лойиҳа ташкилотчиларнинг фикрича, мослама 5 йил давомида океандаги чиқиндиларнинг ярмини тозалаш мумкин. Тизимни Сан-Франциско ёнида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

● Австралиянинг “Cry oclock” компанияси абадий ишлайдиган ёқут соат яратди. Мутахассислар соат қўшимча созулаларсиз 40 миллион йил ишлашини тахмин қилмоқда. Соатга криогенли ёқут асос қилиб олинган бўлиб, у 12 минг каратли ёқут кристаллидан ясалган. Кристалл деярли – 267 даража Цельсийда совутилади. Соат аниқлиги бўйича исталган аналогдан минг қарра устун.

Футбол янгиликлари

БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

Футбол мухлисларига маълумки, 2020 йилда уюштирилаётган ёзги Олимпиадада ўйинларга Япония мезбонлик қилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоасига Токиода ўтаётган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма қўлга киритиш вазифи юклатилган. ЎФА мутасаддилари олимпия терма жамоамизни муҳим ўйинларга тайёрлаш ҳамда халқаро учрашувларда галаба қозонишини таъминлаш мақсадида бош мураббийликка номзод мутахассисларни кўриб чиқишди. Яқинда олимпия терма жамоамизни эндиликда ўзбек футбол афсонаси, “Бунёдкор” клуби устози Миржалоҳ Қосимов бош мураббий сифатида бошқарилган бўлди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ “МИЛЛИЙ” СТАДИОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

Сентябрь ойида Тошкентдаги “Миллий” стадионда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эктор Купер бош мураббийлигида Сурия ҳамда Эрон терма жамоаларига қарши назорат-ўртоқлик баҳсларида майдонга тушганди.

Маълумки, 2019 йилда БАА яшил майдонларида футбол бўйича Осиё кубоги бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли турнирда иштирок этадиган Ўзбекистон миллий терма жамоасидан мухлислар сермазмун ўйин ҳамда ижобий натижа қўтишга ҳақли.

Шу боис ҳам октябрь ойида яна иккита назорат-ўртоқлик баҳслари Тошкентда уюштирилади. 13 октябрда Эктор Купер шогирдлари КХДР терма жамоаси билан, 16 октябрда эса Қатар терма жамоаси билан ўзаро куч синашилади.

20.00да бошланадиган ҳар икки баҳслар “Миллий” стадионда ўтказилади. Шунингдек, ЎФА миллий терма жамоамизнинг кейинги ўртоқлик ўйинлари масаласида бир қатор миллий федерациялар билан музокара олиб бормоқда.

КВОТАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ОФК томондан келаси икки мавсумда клублар миқёсидаги асосий турнирлар – Осиё чемпионлар лигаси ҳамда ОФК кубогида қатнашадиган командалар сонига аниқлик киритилди.

Энди 2019-2020 йилларда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионлар лигаси учун Ўзбекистонга “1+2” кўринишида йўлланма ажратилади. Йўлланмалар ОФК коэффицентлар рейтингига асосан тасдиқланган. Энди мамлакатимиз чемпиони келаси икки мавсумда ОЧЛ гуруҳ босқичига тўғридан-тўғри йўл олади. Ўзбекистон кубоги соҳиби ҳамда Суперлигада иккинчи ўринни қўлга киритадиган командалар эса ОЧЛ саралашининг иккинчи босқичидан курашга киришади. Агар қайсидир мамлакат клуби бирор сабаб билан китъа миқёсидаги турнирдан четлаштирилса, йўлланмалар тақсимоли ўзгариши мумкин. Шу боис ҳам ОЧЛ ва ОФК кубоги йўлланмалари тақсимотининг якуний рўйхати декабрь ойи бошларида эълон қилинади.

МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШИ КЕРАК

ЎФА томонидан футболда юз бераётган салбий иллатларга қарши курашиш мақсадида алоҳида бўлим ташкил этилган.

ПФЛ ҳам албатта, ҳар бир футбол учрашувлари соғлом рақобат руҳида кечишдан манфаатдор. Шу боис ҳам ПФЛ футбол мухлисларига мурожаатнома эълон қилди. Унга қўра, жамоаларнинг ўзаро келишуви, ҳакамларнинг ўйинлардаги ноҳақликлари, тотализаторнинг аралашуви кечирилмайдиган жиҳатлар ҳисобланади. Бундай ҳолатлар аниқланса, иштирокчилар футболдан четлаштирилибгина қолмай, қонуний жазо ҳам олади. Шу туфайли ЎФА раҳбарияти футболдаги иллатларга қарши курашмоқда, уларнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўрмоқда. Айни кунларда ПФЛ ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилаётган базага 2019 йилдан эътиборан Суперлига, Про-лига, иккинчи лига, болалар футбол мактаблари, академиялари тарбияланувчилари босқичма-босқич киритиб борилади.

Ҳакамлик муаммоларига қарши курашишда ЎФА албатта ФИФА йўлидан боради. Кейинчалик, футболимизга VAR тизими ҳам кириб келади.

ПФЛ мухлисларни қадрлайди. Мухлисларга стадионларда қўлай шароит яратиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар давом эттирилади. Зеро, футбол мухлисларисиз жозибасини йўқотилади. Шу боис ПФЛ ҳакамлардан сабрлироқ бўлишни сўрайди. Ҳакамлар, клублар, стадионлардаги муаммолар аста-секин бартараф этилади. Хулоса қилиб айтганда футбол ўйинларининг ҳалол, шафқатли ўйини таъминлаш учун барча-барчамиз бирдек ҳаракат қилаялик. Ана шунда ўзбек футбол ҳақида бутунжаҳон миқёсида ўз ўрнига, обрўсига эга бўлади.

Ақбар Йўлдошев

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ САЙЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 138-мактабда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган мактаб фаоллар залида ўтказилган ушбу йиғилишда 250 нафар делегат аъзолари ва мактаб ўқитувчилари иштирок этишди. Тадбир давлат мадҳияси билан бошланди. Унда мактаб раҳбари Шерзод Бекчанов сўз олиб Ёшлар иттифоқининг фаолияти ҳамда унинг мактаб ҳаётидаги ўрни ҳақида айтиб ўтди. Шундан сўнг Ёшлар етакчиси Шахноза Темирова ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар ҳақида маълумот бериб, уни слайд орқали намойиш этди.

Шундан сўнг тавсия қилинган Ёшлар етакчиси номзоди овозга қўйилди. Овоз натижаларига кўра, мактаб Ёшлар етакчиси Шахноза Темирова бир овоздан қайтадан ёшлар етакчиси этиб

сайланди. Бошланғич ташкилот сардорлари Кенгаши сайлови ноанъанавий, яширин овоз бериш йўли билан ташкил қилинди. Делегат аъзоларига сайлов бюллетенлари тарқатилиб, 18 та йўналишнинг ҳар бирига қўйилган 3 тадан номзоднинг муносибига овоз бериш тартиби тушунирилди.

Тўлдирилган сайлов бюллетенлари махсус қўтига солинди. Куннинг иккинчи ярмида “Ҳисоб гуруҳи” томонидан овозлар сони “Номзодлар тахтаси”да кўрсатилди. Тадбирдан қутулган мақсад ўқувчиларнинг сиёсий саводхонлигини ошириб, сайлов ёшига етганда, умумхалқ сайловларида фаолликка ўргатиш бўлди.

Камола МИРЗАЁРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

“КЎНГИЛЛИ ТАРҒИБОТЧИ”ЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Мамлакатимизнинг келажаги учун ҳар томонлама ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлоднинг тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Соғлом турмуш тарзининг тарғиб қилиниши нурли келажақ сари етаклайди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгашида ўтказилган тадбирда бу ҳақда алоҳида эътироф этилди. Ўқув-семинар ёшлар орасида турли салбий иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар соғлом турмуш тарзига риоя этиш, бунинг учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этиш нафақат ёшларнинг, балки бутун инсониятнинг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлиги, одам иммунитетни танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишди.

Машғулотларда пойтахтимизнинг 11 та туман Кенгашларидан жами 104 нафар

ёш қатнашди. ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича тушунтириш ишлари ва усулларини тубдан янгилаш ҳамда аҳоли ўртасида профилактика ишларини ўтказишга янги ҳақиқат бўлиб “Кўнгилли тарғиботчи”лар гуруҳи ўқитилиб, сертификат билан тақдирланди.

“Кўнгилли тарғиботчи”лар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида туманлардаги барча таълим муассасаларида тарғибот ишларини олиб борадилар.

Тадбир иштирокчиларига кўргазмали материаллар орқали батафсил маълумотлар берилди.

Гўзал ВАХОБОВА,
ЎЗМУ талабаси

дири Владимир Островский. – Бу жиҳатлар ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришда яққол ифодасини топмоқда. Янги мавсумда томошабинлар учун бир қатор янги сахна асарларини тақдим этиш режалаштирилмоқда.

Театрнинг 84-ижодий мавсуми Александр Островский асари асосидаги “Банкрот ёки Соборли дўст айрилмас” (“Банкрот или Свои люди – сочтемся”) спектакли билан бошланди.

Мохир режиссёр Владимир Шапиро сахналаштирган ушбу спектаклда савдо-сотик соҳасидаги қўполлик, муғомбирлик, судхўрлик, алдов каби иллатлар фож этилгани билан аҳамиятлидир. Асосий ролларни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Олег Васильев, Людмила Стоцкая, актёрлар Василика Сидорова, Юрий Антипин, Эльвина Хадаева, Антон Кораблев, Елизавета Кузьминская ижро этган.

Н.УСМОНОВА

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ ИЖОДИЙ МАВСУМИ

Тошкентдаги Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг 84-ижодий мавсуми бошланди, дея хабар беради ЎЗА.

Шу муносабат билан мазкур театрда турли таъжирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, театр санъати мухлислари тақдир этилди.

Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасига кўрсатилаётган эътибор барча театр жамоаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашда, театрлар репертуарининг сифат жиҳатдан янада яхшиланишида, ижодкорлар меҳнатини қадрлаш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон давлат академик рус драма театри юртимизда алоҳида эътиборга молик ижодий

ташкилот саналади. Мазкур театрда сахналаштирилган Алишер Навоийнинг “Хамса” асари асосидаги “Дегонимни улусқа марғуб этиб...” (“Иди мое творение в народ!...”), Николай Гоголнинг “Ревизор”, Николай Колядининг “Шанель хоним” (“Баба Шанель”), Александр Коровкиннинг “Холалар” (“Тётки”), Жан Пьер Абу асари асосида ишланган “Оилавий дастурхон” (“Семейный ужин”) каби спектакллари томошабинларга яхши таниш.

– Юртимизда маданият ва санъатга бўлган эътибор жамоамиз фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда, – дейди театрнинг адабий бўлими му-

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтмтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терғиди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 935

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4631 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 3.00